

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

ҲУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
28 январь

04 (16)

Чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИДА



1998 йил 23 январь куни Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар прокурорлари иштирок этдилар.

Мажлисни республика Бош прокурори Б. Мустафоев бошқарди. Республика Бош прокурорининг ўринбосари Б. Бекмирзаев «Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг 1997 йилги иш фаолиятлари аёнлари ва 1998 йилда қонунлар устиворлигини таъминлашга қаратилган вазибалар» тўғрисида маъруза қилди.

Нотик ўз маърузасида 1997 йилда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамияти қуриш, қонун устиворлигини таъминлаш йўлида катта қадам қўйганлигини таъкидлади. Республика прокуратураси идоралари халқ хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлган қонунларнинг бир хил ва аниқ бажарилиши устидан назоратнинг самардорлигини оширишда, иқтисодий ислохотлар муваффақиятини таъминлашда кенг қўламдаги залворли ишларнинг урдасидан чиқа олдилар.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, давлатимизнинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш сиёсатининг оғишмай бажарилиши доимий диққат-эътиборда бўлди. Прокуратура ходимларининг самарали ва кўп қиррали фаолияти давлатимиз томонидан эътироф этилди. Қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлида ибратли меҳнат қилган бир гуруҳ прокуратура ходимлари ҳам Мустақиллик байрами ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар.

Айни пайтда ижобий ишлар билан бир қаторда, прокуратура идоралари фаолиятида камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги қайд этилди.

Мустақил давлатимизнинг қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамма жойда бир хил ва тўла бажарилаяпти, деб бўлмайти. Бу соҳада прокуратура назорати ҳали давр талаби даражасида эмас. Айниқса, қишлоқ ҳўжалигига оид қонун, фармон ва қарорлар сўст жорий қилинмоқда. Жиноятчиликка ва қонунбузарликка қарши курашда прокуратура фа-

олиятини янада яхшилаш зарур. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялашда ҳали қонун бузилишлари учраб турибди. Тергов ишлари, судда давлат айбловини қувватлаш, прокурорлик таъсир чораларини қўллаш, фуқароларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларининг сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш прокуратура ходимларидан жиддий эътибор талаб этади.

Йиғилишда Тошкент шаҳар прокурори М.Наимов, Тошкент вилоят прокурори О.Холматов, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Х.Халимов, Андижон вилоят прокурори У.Шамсиев, Бухоро вилоят прокурори Р.Пўлатов, Новий вилоят прокурори Б.Калонов, Самарқанд вилоят прокурори С.Назаров ва бошқалар сўзга чиқдилар ҳамда маърузадан келиб чиқувчи масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз).

Азиз ватандошлар!

Мана, моҳи рамазон ҳам охирлаб бормоқда. Ҳақ йўлига кирганлар учун бу ой дилдан маънан ва жисмонан покла-ниш ойи бўлгани рост келсин. Зеро, маънавий юксакликка интилиш ҳамиша инсонга хос эзгу фазилатдир.

ИЙДИ РАМАЗОН
МУБОРАК БЎЛСИН!

ЧОРШАНБАДАН

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Президенти И.Каримов асосий эътиборни хунар-техника ва ўрта махсус таълим тизимини ислох қилишга қаратди.

Германия Федератив Республикаси пойтахти Бонн шаҳрида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг немис тилида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимоти маросими бўлиб ўтди.

Ўтган куни Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодий Академиясининг фахрий доктори дипломини топшириш маросими бўлди.

Таваллуд топган кунининг олтинчи йиллиги муносабати билан Президент И.Каримов номига АҚШ Президенти У.Ж.Клинтондан самимий қутлов мактуби келди.

Пойтахтимизда Франция фильмлари фестивали очилди. Бу анжуман республикамизда икки ҳафта давом этади.

ЧОРШАНБАГАЧА

МЕҲНАТ - КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ

Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш учун ажратилган маблағларни талон-тарож қилганлар кимлар?

2 - 4-бемтар

УЧИНЧИ «ЙЎЛ»ДАГИ ВАГОНЛАР

... 9 ой мобайнида 159 та вагон ўғирланиб, давлатга 12160000 доллар микдорида зарар etkazилган.

7-бем

ТАН ОЛИНМАГАН МАРДЛИК

Комбинат бош ҳисобчиси Ш.Яхшибоев қалбаки далолатномалар тайёрлашга устаси фаранг бўлиб кетган эди.

6-бем

ҲАМИША ЁШ БЎЛИБ ҚОЛА ОЛАМИЗМИ?

Инсон умрини узайтириш мумкинлиги - бу бор гап.

8-бем

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон
Республикаси
прокуратураси
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Тошкент шаҳар ва
Тошкент вилояти
прокуратуралари

БОШ МУҲАРРИР:

**Абдухолик
АБДУРАЗЗОҚОВ**

**ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ**

Асрор АҲМАДЖОНОВ
Дилшод ИСЛОМОВ
(масъул котиб)

Эркин Йўлдошев
Мэлс НАИМОВ

Орипжон ХОЛМАТОВ
Лола ШОМУРОВА
Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош муҳаррир
ўринбосари)

Газета андозаси
«Ҳуқуқ» газетаси
компьютер марказида
тайёрланди.

Тахририятга келган
қўлёзмалар муаллифга
қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари
тахририят фикридан
фарқланishi мумкин.
Газетадан кўчириб
босилганда «Ҳуқуқ»дан
олинди, деб
кўрсатилиши шарт.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Гоголь
кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:

13-363-88, 13-382-34,
77-69-64.

Газета Тошкент вилоят
матбуот бошқармаси
томонидан №767 рақам
билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонасида офсет
усулида босилди.

Манзили: Тошкент
шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси - 41.

Нусхаси 16932
Буюртма Г - 0953
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоси сотувда эркин
нархда.

Ушбу сонга
О.Бегалиев
навбатчилик қилди.

Мусаҳҳиҳ:
М.Дусиярова.

Таҳсил

ПРОКУРОРЛАР ЎҚУВИ

Мустақил Ўзбекистонимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли, инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадам қўймоқда. Барқарорлик, мамлакатимизда истиқомат қилаётган юздан ортқ миллатлар ва эллатлар ўртасидаги тотувлик, фуқароларнинг аҳиллиги ва жипслиги туфайли ёш давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаб турибди.

Ҳуқуқий-демократик жамият асосини ташкил этувчи юксак ҳуқуқий маданият миллий маданиятимизнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Шунинг учун Ўзбекистон Президент Ислам Каримов ўтган йилнинг 20 майида республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш,

уларнинг малакасини ошириш, қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берган эди.

Мазкур учрашувда илгари суртилган масалалар асосида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази томонидан 1998 йилнинг 24 январидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Республика Қуролли қўчалари ва ҳарбий, транспорт прокурорларининг «Мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари, давлат сисъатининг устивор



йўналишларида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган Президент фармонлари, Олий Мажлис ва ҳуқуқат қарорларини бажаришда прокурор назоратининг таъсирчанлигини янада ошириш мавзусида бир ҳафталик ўқув машғулотлари бўлиб ўтди.

Машғулотларни самарали ва сифатли ўтказиш учун республика ҳуқуқ-тартибот идораларининг

раҳбар ходимлари, йирик ҳуқуқшунос олимлар, инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий Маркази, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили, Амалдаги қонунлар мониторингини институти раҳбарлари ва халқ ҳўжялигидаги йирик мутахассислар жалб қилинди.

М. МИРЗАЕВ,
Марказ директори.

ҲУҚУҚИЙ АДАБИЁТЛАР КЎПАЙМОҚДА

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий онги ва билимини оширишга туриб, адолатли демократик жамият қуриб бўлмайди. Мустақил республикаимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишга давлат сисъати даражасида эътибор берилганлигининг боиси ҳам шунда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга, ҳуқуқий билимларини тартиб қилишга катта эътибор бермоқда. Утган давр мобайнида Миллий марказнинг саъй-ҳаракати билан 20 дан ортқ ҳуқуқий нашрлар чоп этилиб, сотувга

чиқарилди. «Тил ва қонун», «Ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари», «Ўзбекистон Республикасида демократия, инсон ҳуқуқи ва тақомиллашган башқарув тизими», «Профессионал этика: қарашлар ва муносабатлар», «Сиз ўз ҳуқуқ ва бурчларингизни биласизми?», «Бурхониддин Марғилюний - улуг ҳуқуқшунос (сўзбош муаллифи таникли ҳуқуқшунос олим А.Саидов)» каби ҳуқуқий нашрлар шулар жумласидандир.

Миллий марказ ҳуқуқ ва қонун тартиботига оид ҳуқуқий адабиётларни қўлайтиришни режалаштирган.

Прокурор протест келтиради

МЕҲНАТ - КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ

УНИ БУЗИШГА ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚҚИ ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир фуқаронинг меҳнатга доир ҳуқуқлари қамқоғилган.

Конституциявий нормаларнинг ҳаётага тадбиқ қилиниши «Меҳнат кодекси», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунлар ҳамда Республика Вазирлар Маъжмасининг бир қатор қарорлари билан мустаҳкамланди.

Ҳар бир оиланинг моддий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши беивосита меҳнатга боғлиқ. Моддий мустаҳкам оила эса борқарор турмуш кеҳиради, келажак авлодлар баркамоллигини таъминлаш имкониятига эга бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда, «Оила йили» бўлган 1998 йилда меҳнат қонунларининг оғишмай, беқомо кўст бажарилишини таъминлаш лозим бўлади.

Тошкент шаҳор прокуратураси умумий назорат йўналишида меҳнатга ҳамда аҳолини иш билан таъминлашга доир қонунларнинг ижроси юзасидан текширишлар ўтказиб, аниқланган қонун бузилишлари бўйича прокурорлик таъсир чораларини кўрмоқда.

Бу соҳада 1997 йил довомида умумий назорат тартибиде 36 та текшириш ўтказилди. Бу текширишлар натижасида айриқонуний ҳужжатларни бекор қилиш учун 118 та протест келтирилди, 31 та тақдимнома ва 31 та амрнома киритилди, 43 та манабдор шахс расмий оғохлантирилиб, қонунчилик бузилишига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан 39 та интизомий, 10 та маъмурий, 8 та моддий жавобгарлик ҳамда 6 та жиноят ишлари қўзғатилди, 9 та давво аризалари киритилди.

Шаҳар прокуратураси идоралари томонидан ўтказилаётган текширишлар натижасида айрим қорхона раҳбарлари фуқароларнинг меҳнатга доир конституциявий ҳуқуқларини бузаётганлик

ди. Меҳнат қонунларининг жиддий бузилиши айрим ҳолларда оғир жиноятларнинг содир бўлишига ҳам олиб келмоқда.

Жумладан, «Эльзас» хусусий фирмаси раҳбари Н.Аҳатов ва фуқаро В.Бессонов билан меҳнат шартномаси тузади В.Бессонов томонидан шартномада келишилган ишлар бажарилган, тўланиши лозим бўлган 7 млн. 626 минг сўм пул қорхона ҳисоб рақамига келиб тушган бўлсада, Н.Аҳатов ва бу маблағларни бошқа мақсадларда ишлатиб юборган. В.Бессоновнинг жуда кўп миқдордаги иш ҳақини ҳар ҳил ваҳлар билан узок вақт тўламасдан келган. Текшириш натижасида шаҳор прокуратураси томонидан «Эльзас» хусусий фирмасига нисбатан УЗР ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми, 207-моддаси 1-қисми аломатлари билан жиноят иши қўзғатилди.

Баъзи қорхона маъмуриятларининг ўз молиявий аҳволига эътиборсизлик билан қароши, мавжуд дебиторлик қарзларини ўз вақтида ундирмаслиги қорхона ишчи ва хизматчиларининг меҳнатга ҳақ олиш ҳуқуқларининг бузилишига олиб келмоқда. Сирғали туманидаги «Квин» фирмаси директори А.Абдуллаев қорхонанинг 296 минг 117 сўмлик мавжуд дебиторлик қарзларини ундирш чораларини кўрмаган. У тегишли тартибда бухгалтерия ҳужжатларини юриятмай, туман солиқ инспекциясига ҳисоботлар топширмаган.

Натижада ишчиларнинг 60 минг сўмлик иш ҳақлари 3 ойдан ортқ муддат довомида берилмаган. Ушбу ҳолат юзасидан Сирғали туман прокуратураси томонидан А.Абдуллаевга нисбатан УЗР ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми аломатлари билан жиноят иши

(Давоми 4-бетда).

«СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

Ўсиб келаётган ёш авлодни Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларини ҳурматлаш ва уларга амал қилиш руҳида тарбиялаш бугунги кунда давлат сисъати даражасида кўтарилган. Уларнинг жамиятда қонунлар устивор бўлишига эришишда фаол қатнашишга кўмаклашиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга ёрдамлашиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Олий Суди, ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон телерадио компаниясининг кўшма қарорига мувофиқ ўтказилаётган ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасидаги «Сиз қонунни биласизми?» қўриқ-танловининг навбатдаги босқичида Тўрткўл, Беруний ва Эллиққалъа туманлари ёшлари ўзаро беллашди.

Қўриқ-танловда Эллиққалъа тумани «Бўстон» лицейининг «Қомус» командаси ўқувчилари ғолиб чиқиб, улар Қорақалпоғистон республикаси бўйича ўтказилаётган кейинги босқичга йўлланма олди.

Ғолибларга Эллиққалъа тумани прокуратураси ва суди, «Қамолот» жамғармаси томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
(телефон орқали олинди).

ПРОКУРОР ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Эллиққалъа туман Бўстон шаҳор ўқувчи-ёшларининг туман прокурори К.Юсупов қонун ва ёшлар мавзусида бўлди. Ҳар бир ўқувчи ва мураббий учун фойдали бўлган бу учрашувни шаҳордаги Абу Райҳон Беруний номли ўрта мактабнинг ҳуқуқ фани ўқитувчиси Ж.Жайжонов ташкил этди.

Учрашувда туман прокурори ўқувчиларга Ўзбекистонда прокуратура тизими, прокурорлик касбининг ўзига хос жиҳатлари, янги чиқаётган қонунлар ҳақида атрафлича тушунтириб берди.

Сарҳисоб

ҚОНУН УСТИВОРЛИГИГА ЭРИШИШ - МУҚАДДАС ИШ

Тошкент шаҳар прокуратураси идоралари томонидан 1997 йил мобайнида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш борасида катта ишлар қилинди. Бу масола яқинда бўлиб ўтган шаҳар прокуратураси ҳаёотининг йиғилишида ҳам атрафлича муҳокама қилинди. Қуйидаги мақолада прокуратура фаолиятининг асосий яқунлари ҳусусида сўз юритилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси идоралари 1997 йил мобайнида қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси назоратини ташкил қилиш борасида «Прокуратура тўғрисидаги қонун, Республика Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва қўрсатмалари, Республика прокуратурасининг ҳайъат қарорлари ҳамда 1997 йил 13 январь ва 1997 йилнинг 14 июль кунларидаги шаҳар прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш фаолияти юзасидан қабул қилинган ҳайъат қарори асосида прокурор назорати бўйича ташкилий тадбирлари амалга оширилди.

Асосий эътибор туманларда прокурор назоратини тўғри ташкил этиш, уларнинг фаолиятида муҳим йўналишларни белгилаш ва амалга оширишда яқинда ёрдам беришга қаратилди.

Қонун устиворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилишида, қонун бузилиш ҳолларида қатъий муроасасиз бўлиш, жазонини муқаррарлигини таъминлашда прокурорларнинг ролини ошириш, фуқароларнинг муносабатларида факат қонун талаби асосида муносабатда бўлиш, Фармон ва қонунлар ижросини таъминлаш, жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳисоб рўйхатида олиш, уларни ҳал қилиш юзасидан қонунчиликни таъминлаш, эътизолан моддий зарарни ундириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, прокурор ходимларининг малакасини, мусолиятини ошириш асосий йўналишлардан бири, деб белгиланди.

Ушбу йўналишдаги ташкилий-амалий ишларни ҳаётда тадбиқ этишда шаҳар прокуратураси ҳаёотининг ташкилий фаолияти кучайтирилиб, жорий йилда унинг 19 та мажлисида прокурорлик назоратининг турли йўналишларида дахлдор бўлган 51 та масола муҳокама қилиниб, зарур чоралар кўрилди.

Шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга эътибор қаратилиб, ўтган даврда унинг мажлисларида 12 та доллар масалалар атрафлича муҳокама қилиниб ва ҳамкорликдаги тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жиноятчиликка қарши курашда барча кучларни бирлаштириш, маъмурий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жиноятчиликка, айниқса, унинг оғир ва ўта оғир турлари, қасддан одам ўлдирish, номусга тегиш, автотранспорт воситаларини ҳайдаб қочиш, курап-проғлардан фойдаланиб жиноятлар содир этишга қарши кураш, фуқароларнинг ўз жонига қасд қилишига сабаб бўлаётган шарт-шароитлар ҳайда жойларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш, тергов ва суддан қочиб, яшириниб юрган айбдорларни қидириш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг аҳолини ўрганишга катта аҳамият берилди.

Гивандлик, ичкиликбозлик ва фоҳишабозлик билан боғлиқ бўлган жиноятлар, муқаддам судланганлар ҳамда ҳеч қерда ишломойдиган ўқимойдиган шахслар томонидан

жиноят содир қилиниши оғиб бораётганини сабабли ушбу жиноятларга қарши кураш аҳоли умумлаштирилиб, натижаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида муҳокама қилинди.

Шаҳар прокуратураси томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда мақсадли равишда олиб бориладиган чора-тадбирлар натижасида жиноятларнинг айрим турлари қамой-ятишга, жиноятларни очиб даражаси бир мунча яхшиланишига эришилди. Чунинчи, босқинчилик жинояти 8,2 фоизга, номусга тегиш 11,5 фоизга, транспортни олиб қочиш 8,9 фоизга, тавламоначилик 3,6 фоизга, ўзгалар мулкнинг қўл мақдорда талон-тарож қилиш 32,6 фоизга, транспортни ўйрлаш 20,8 фоизга, порахўрлик 14,1 фоизга, безорилик 9,0 фоизга қамойди.

Воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик эса, 7,7 фоизга қамойди.

Шаҳар прокуратурасининг ташкилотидаги фаолиятда порахўрлик, талон-тарож ва суиестемольчиликларга қарши кураш бўлими терговчилари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 25 та жиноят иши тўғрисида, айблов хулосалари билан судга юборилди. Тергов қилинган жиноят ишларининг аксарияти ташкилотидаги фаолият билан боғлиқ бўлган ишлардир.

1997 йил мобайнида ички ишлар идораларида суриштирув ва тергов ҳамда солиқ идораларида суриштирув устидан прокурорлик назоратини ҳисоб рўйхатида олиш, уларни ҳал қилиш юзасидан қонунчиликни таъминлаш, эътизолан моддий зарарни ундириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, прокурор ходимларининг малакасини, мусолиятини ошириш асосий йўналишлардан бири, деб белгиланди.

1997 йилда шаҳар прокуратураси идоралари томонидан терговнинг сифатини яхшилаш борасида олиб бориладиган амалий чоралар натижасида ИИБ терговчиларининг асосий равишда жиноят ишларини ҳаракатдан эткизиш ҳақидаги 69 та, дастлабки терговни тўхтатиш ҳақидаги 48 та қарори бекор қилинди ва жиноят ишлари қўшимча терговга юборилди.

Жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларнинг қўриб чиқилишини қонунийлиги, ўз вақтида жиноят иши қўзғатилиши устидан прокурор назоратининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ушбу йўналишдаги амалиёт умумлаштирилди. Натижаси ҳайъат мажлисида муҳокама қилиниб, жиноятлари турли усуллар билан яшириш ҳолларида ўз вақтида чек қўйиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилди. Ҳар ойда бир марта жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳайда ҳал қилинишининг қонунийлиги қўшимча манбалардан маълумот олган ҳолда солиштириш йўли билан текшириш йўлга қўйилди.

Жиноятларни рўйхатдан туриз усуллар билан яшириб, қўнубузларликка йўл қўйган ички ишлар идоралари ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди.

Шаҳар прокуратураси идоралари 1997 йилнинг ўтган даври мобайнида жойларда қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида бирмунча тадбирларнинг амалга оширилди.

Умумий назорат бўлими томонидан ишни ташкиллаштириш, қўри прокуратураларга амалий ёрдам кўрсатиш йўналишида қатор тадбирлар амалга оширилди.

«Банкротлик тўғрисидаги», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги», «Ташкилотидаги фаолиятини тартибга солиш, ичкиликбозлик, гивандлик ва фоҳишабозликка қарши курашга қаратилган, халқ ҳўжалигида ўзаро ҳисоб-ки-

тоблар ва тўлов интизомини, пўл муомаласини тартибга солишчи қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ижроси юзасидан умумлаштирувлар тайёр-ланиб, ҳайъат муҳокамасига киритилди ва зарур тадбирлар ишлаб чиқилди.

Умумий назорат йўналишидаги фаолиятини ташкил этишга қаратилган тадбирлар текширувларнинг сифат ва самардорлиги ижросий таъсир кўрсатди. Ҳисобот йилида тармоқ бўйича барча ҳисобот кўрсаткичлари яхшиланишига эришилди.

Ўтказилган текширувлар сони 11,2 фоизга (1996 йилда 920 та 1997 йилда эса 1035 тани ташкил этган) қўлайиб қолмасдан, уларнинг сифати ва самардорлиги ҳам ошган.

Ҳисоб-китобларни тўғри ташкил этишга доир фармонлар ижросини назорат тартибда текширувлар натижасида 4 млрд. сўйдан ортик дебиторлик қарзлари ундирилди, 629 тадан зиёд прокурор таъсир даражасида бўлиб сифати бўлишига эришилди. Шаҳарда барча пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида берилган. Биргина прокурор амрномасига мувофиқ пенсия фондига 12 млн. 947 минг сўм келиб тушган.

Ўридик субъектлар ва жисмоний шахслар томонидан кредитларни ўз вақтида қайтармаслик фактори юзасидан ўтказилган текширувлар натижасида 53 та жиноят ишлари қўзғатилди, 21 млн. сўйдан ортик моғлоб банк ва бошқа ташкилотларга қайтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бозор фаолиятини тартибга солишга қаратилган фармони ижроси назорат тартибда тежиниририлиб, бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди.

Деврля барча бозорлар акциядорлик жамиятларининг бошқурув раислари эғлаб турган лавозимлардан бўшатилади.

1997 йилда фуқаролараро муносабатларга доир қонунларнинг ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар самарали бўлди, жами 21 та текшириш натижасида бўйича қонунчилик ахтарила 41 та протест, 19 тақдимнома, 5 та амрнома киритилди, 5 та оғохлантириш ҳайда 22 та интизомий, 1 та маъмурий жазо берилди ва 1 та жиноят иши қўзғатилган.

Прокуратура идоралари, айниқса, «Ешларга оид давлат сиеанатини асослари ҳайда» қонун ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қартиб, ҳоқимиятлар қошидаги воёга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, ички ишлар идораларининг назирликлари, Ешлар ташкилотлари ва Республика ешларининг «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар ва унинг жойлардаги бўлиmlлари, халқ таълими Бош бозармаси ва унинг жойлардаги бўлиmlлари, шаҳардаги бир қатар ийрик қорхона ва ташкилотларда текширишлар ўтказилди. Натижаси Тошкент ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ҳайда ҳоқимиятлар қошидаги воёга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар раҳбарлар иштирокида ўтказилган мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси муҳокама қилиниб, назкур йўналишдаги ишларни жонлантиришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди.

Шаҳар прокуратураси идоралари томонидан ўтган давр ичида судларда жиноят ва фуқаролик ишларининг қўрилишида прокурор ваколатини таъминлашдаги фаолият бирмунча жонлантирилди. Шаҳарда вужда келган тежор ҳолат ва қонунчилик аҳолини эътиборга олган ҳайда, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноят ва фуқаролик ишлари юза-

сидан тергов ва суд амалиёти умумлаштирилди. Натижалари юзасидан тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилди. Оғир жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлаш чоралари кўрилди.

1997 йилнинг ўтган даврида судларда жиноят ишларини қўришда давлат айбловини қувватлаш ишига алоҳида эътибор берилиб, оғир тоифадаги, алоҳида муҳим ва воёга етмаганларнинг жиноят ишлари билан 100 фойз давлат айблови қувватловини таъминлашига эришилди. Нақонуний суд қарорларига қассия муқаддатарида протест келтириш фаолияти бирмунча жонлантирилди, жами 84 та хусусий, 274 та қассия протестлари киритилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси, шаҳар суди ва атраф бозармаси билан ҳамкорликда, қассия ва назорат тартибда суднинг ҳўкм ва қарорларининг ўзгартирилиши, бекор қилиниши сабаблари ва суднинг нақонуний ҳўкм ва қарорларига протестлар келтириш амалиёти умумлаштирилди. Натижаси ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида муҳокама қилиниб, бу йўналишда йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

1997 йилда судларда фуқаролик ишларини қўришда прокурор ваколатини таъминлаш юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилди.

Судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш даражаси бирмунча қўтарилиб, 32,3 фойзини ташкил қилди. Алоҳида муҳим тоифадаги фуқаролик ишларининг барчасида прокурор ваколати таъминланди.

Ҳўқубўзарликка қарши қўришда фуқаровий-ҳўқуқий воситаларидан умумли фойдаланиш йўлга қўйилди. 1997 йилда 1087 та 11 млн. 466 минг 100 сўмлик даъво аризалари қўзғатилди.

Иил яқунлари бўйича шаҳар прокуратураси томонидан суднинг нақонуний қарорлари устидан назорат тартибда 125 та протест киритилди. Назорат тартибда суд қарорларини бекор қилиш ҳоллари қўлайлигини эътиборга олиб, суд қарорларининг қассия ва назорат тартибда бекор бўлиш сабаблари, суднинг нақонуний қарорларига протест келтириш амалиёти ўрганилиб, натижаси шаҳар прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида қўрилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 17-сонли «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисидаги» Республика қонунининг баҳарлилиги юзасидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш тўғрисидаги буйруғи ва ҳайъат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳайда фуқароларни қабул қилиш ва аризаларни ҳал қилиш фаолиятини ташкил қилдилар.

Фуқароларнинг муносабатлари билан ишлашда, бу тўғрисида қонун талабларига омад қилинишини таъминлашда ҳодимларнинг мусолияти бирмунча ортишга эришилди. Фуқароларнинг ариза, шикоят ва тақлифларининг белгиланган муҳлат ва тартибда ҳал қилиш, муносабатларининг воқиларини синчиқлаб ўрганиш ва текшириш, ишончга сазовор, тўлақонли жавоблар берилиш йилнинг ўтган даврида жами 3956 та фуқароларнинг муносабатлари ҳал қилинган, шундан 473 таси қаноатлангилар.

Шаҳар прокуратураси органлари ўтган йил давомида ҳўқуқий тартибда ва қонунларни муҳасамаллаштириш бўйича маълум ишларни амалга оширдилар. Ҳўқуқий тартибда фаолиятни қонунчилик ва жиноятчилик авҳолдан келиб чиққан ҳайда

олиб борилди. Жиноят ва ҳўқубўзарликлар кўп содир этилаётган мавзелар аҳолиси билан учрашувлар ташкил этилди. Мас ҳайда жиноят ва ҳўқубўзарликлар содир этилаётгани инобатга олиниб, ичкиликбозлик ва алголизмга қарши кураш тўғрисидаги қонунлар тарғиботига алоҳида эътибор берилди. Воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳўқубўзарликнинг олдини олиш мақсадида мактаб ўқувчилари, хунар-техника билим юртлари, лицейларда учрашувлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларидан, радио, телевидениедан қонунларни тарғибот қилишда кенг фойдаланиш бирмунча жонлантирилди. Умумий назорат йўналишида у ёки бу қонун ижроси юзасидан жойларда ўтказилган текширишлар натижасини оммавий ахборот воситаларида ёритишга эътибор кучайтирилди.

Ўтган ҳисобот даврида шаҳар прокуратура идораларида кадрлар билан ишлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1993 йил 30 апрелдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисидаги» 3-сонли буйруғи ҳамда бевосита кадрлар билан ишлашга боғлиқ бўлган бошқа ҳоқовий бўйруқлари талаблари асосида ташкил этилди.

Шаҳар прокуратура идораларида меҳнат қилаётган ҳодимларнинг 27 фойзи ёш мутахассислар, шу ҳўмладан, 16 нафари иш ўрганувчилар бўлганлиги учун, уларнинг иштини ташкил қилиш, ўқитиш, ишга ўргатиш ва тарбиялашга алоҳида аҳамият бериб келинди.

Шу билан бирга, Бош прокурорининг 21-сонли буйруғи асосида тасдиқланган Ўриқмомага биноан, ҳар 6 ойда шаҳар прокуратура идораларида меҳнат қилаётган ёш мутахассисларнинг (иш ўрганувчилардан ташқари) малакасини ошириш юзасидан алоҳида дастурлар тузилиб, уларнинг ижроси бўлиб, тармоқ раҳбарлари, туман прокурорлари томонидан таъминланди.

Шаҳар прокуратура маҳкамаси бўлиmlларининг тақлифини эътиборга олиб, 1-ярим йилда шаҳар прокуратура идоралари ҳодимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-услубий семинарлар, яқо тартибда бериладиган топшириқлар, стажировкани ташкил этишни муҳасамаллаштирилган яғона дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижросини таъминлаш юзасидан фаолият кўрсатилди.

Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб эса Тошкент шаҳар прокуратура маҳкамаси, туман прокуратуралари ҳодимлари билан иқтисодий ва ҳўқуқий ўқиш юзасидан тузилган яғона Дастур ва режага биноан, ҳар ҳоқтаннинг шанба кунини Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат Юридик институти, Тошкент Давлат иқтисодий университетини ва Х.Сулаймонова номидаги Республика илмий тадқиқот криминалистика марказининг профессор-ўқитувчилари томонидан белгиланган мавзуларда маърузалар ўқилапти. Шу билан бирга, шаҳар прокуратура маҳкамасида Ўзбекистон Республикасининг латин ёзувиги асосланган ўзбек алфбосини ўрганиш курси ташкил этилди.

Шаҳар прокуратурасининг 1998 йил 15 январь кўни бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида шаҳар прокуратураси органлари томонидан 1997 йил мобайнида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашга қаратилган қонунлар ижроси назоратини кучайтириш борасида олиб борган фаолиятлари муҳокама қилиниб, бу бордаги ишларни жадаллаштириш, нуқсон ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бахтиёр ҲАҚНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
биринчи ўринбосари.

МЕХНАТ - КОНСТИТУЦИЯВИЙ ХУҚУК

(Бошланғичи 2-бета).

қўзғатилиб, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ундириб берилди.

Ҳамза туман прокуратураси томонидан Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссодорлик жамиятининг 146-цеҳида меҳнат муҳофазасига доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишда мазкур цех ишчиси А.Кривоноз цех бошлиғи Р.Кобаев ва цех механиги И.Сликшларнинг меҳнатни муҳофазаси қилиш қондаларини қўпол равишда бузганликлари натижасида тан жароҳати олганлиги аниқланган. Текшириш натижасида Р.Кобаев, И.Сликшларга нисбатан туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Шаҳар прокуратураси идоралари томонидан «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуннинг тўла бажарилиши ҳам буғунги кунда айниқаси муҳимдир. Бирок, Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазаси бўш бошқармаси идораларида ўтказилган текшириш натижасида қонун бузилишлари, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш учун ажратилган маблағларни талон-тарож қилиш, амалда ишсиз бўлмаган шахсларга ишсизлик мақомили бериш йўли билан пул маблағларини ўзлаштириш, ноқонуний равишда кредит маблағлари

бериш ва уларни ўз вақтида ундирилмаслик ҳолатлари аниқланди. Ишсизларга ажратилган нафақа маблағларининг 84 минг сўми турли мансабдор ва бошқа шахслар томонидан ўзлаштирилганлиги фактлари юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан, Чилонзор туман меҳнат биржасида ишсизлар сифатида рўйхатда турувчи фуқаро Х. Исломовнинг шахсий варақаси текшириб чиқилганда, қинғир ишлар очилиб қолди. У Қўйраб туманида жойлашган «Саломатлик» хусусий корхонасида ишлаганлиги тўғрисида қалбаки маълумотнома тақдим этиб, ишсизлик нафақаси олиб келган. А.Азизов, М.Шоңулатова, М.Абдураҳмонова ва С.Худойбергеноваларнинг иш варақалари текширилганда ҳам уларга қалбаки ҳужжатлар асосида ишсиз мақоми берилиб, ишсизлик нафақалари тўланганлиги аниқланди.

М.Улугбек тумани меҳнат биржасининг масъул ходимлари, уй-жой коммунал хизмат бошқармаси ходимлари ва боъзи маҳалла кўмити раислари эса инсоф ва диёнатни унутиб қўётганликлари афсусланарлиқдир. Улар тил, бириктириб, ўзларининг қариндош-уруғларини, яқин танишларини равишда сифатида ноқонуний ишсизлар расмиёлаштириб, меҳнат биржасининг жуда кўп миқдордаги пул маблағларини ўзлаштириб

юборганларки, бу жиноятдан бошқа нарса эмас.

Бундан ташқари, ишсизлик мақомили берувчи 20 та гайриқонуний буйруқларга протестлар ҳамда 44 амрномалар киритилган, 10 та мансабдор шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик иши қўзғатилди. 6 мансабдор шахс қонунчилик бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилиб, 110 минг сўмлик етказилган зарар ундирилди. «Бандлик хизмати» жамғармасидан кредит олиб, уни ўз вақтида қайтармасдан талон-тарож қилган 6 та фирма раҳбарларига нисбатан ЎзР ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми аломатлари билан ҳамда мазкур Бош бошқарма ўринбосари Х.Қорабоевга нисбатан ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми аломатлари билан жиноят иши қўзғатилди.

Фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган конституциявий ҳуқуқлари ва манфаатларини мустақамлаш оила йилида ҳам шаҳар прокуратура идораларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Шу билан бирга корхона раҳбарлари ҳам ўз ишчи ва хизматчиларининг меҳнат ҳуқуқлари ўстивор бўлишига эришадилар, деган умиддомимиз.

Х.ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлимининг катта прокурори.

Жиноятга жазо муқаррар



ПОЙТАХТИМИЗДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ОЛИБ ҚОЧИШ ЖИНОЯТЛАРИ ОЗ БЎЛСАДА СОДИР ЭТИЛМОҚДА.

Бир танишим бу воқеани кўзда ёш билан гапириб берганди.

— Бундан 6-7 йил муқаддам аёлим оғир бетоб бўлиб, 1-ТошМИ клиникасига тушиб қолди. Уғлим билан Тошкентга бордик, — деб бошлади ҳамсуҳбатим ҳикоясини. — Уша пайлар Тошкентда автотранспорт воситаларини хайдаб қочиб кўпайган эди. Автоматшомизни клиника ёнига қўйдик. Уғлимга «Кўз-қулак бўлиб тур. Шаҳорда автомашина ўғирлари кўп экан», — деб тайинладим. Касалхонага кирсам, онаси жуда оғирлашиб қолибди. Врачлар чакриб «уйнингизга олиб кетинг» дейишди. Шу пайт ўғлим келиб қолди: «Чақиртирган экансиз деб. Мен сени чақирмадим. Кўчага чиқиб, машинага қараб тур, деб жунатиб юбордим. Уғлим кўчага чиқса автомашинасиз йўқ экан. Оғир ҳаста онасини етказиб кўчага қолди. Не кўз билан қўрайликки, ҳақиқатдан ҳам автомашинасизни ўғирлаб кетишган экан. Машина ёнида турган ўғирлар ўғлимни «Отанг сени чақирмапти» деб алдаган. Содда ўғлим уларнинг галига ишониб, менинг ёнимага келган. Автоматшомиздан айрилиб, ҳаста онаси билан дардимизни қиммат айташни билмай, минг озобда Тошкент кўчасида қалиб кетдик. Бировларнинг ҳисобига яшовчи ҳаром хўрларга жазони қўчайтириш керак, деган эди ҳамсуҳбатим. Дарҳақиқат, жиноятнинг бу турига қарши қонунда қаттиқ жазо чора-

лари белгиланди ва бу ўз навбатида яхши самара берганини билдимиз. Бировларнинг шахсий автотранспортларини хайдаб қочаётганлар кимлар? Автоўғирлар қўлга тушаётгани? Ҳаромхўрлар ўз жазосини олаётгани? Уларга қарши қураш қандай йўлга қўйилган?

1991-97 йиллар мобайнида республикамизнинг айрим вилоятлари, пойтахт ҳудуди ва қўшни республикаларда жиний фаолият кўрсатиб келган 5 та уюшган жиний гуруҳдан иборат 46 та шахснинг фаолиятига чек қўйилди. Ушбу 5 та гуруҳ узок муқадд кўлаб фуқароларнинг автомашиналарини олиб қочган, айрим улов эгаларини эса ваҳийларча ўлдириб, уларнинг пул ва қимматбаҳо буюмларини олиб кетганлар. Улар ўз қилмишларига яраша жазо олишди, олботта. Энг ачинарлиси, бегуноҳ инсонларнинг ҳазон бўлган умрларини қайтариб бўлмайдик. Қанчалоб оилалар уларнинг гулдай фарзандларидан, қўлаб оилалар оталаридан бевақт жудо бўлишадими, дейсиз.

Биргина Д.Холматов бошчилигидаги 12 шахсдан иборат уюшган жиний гуруҳ узок вақт мобайнида жиний фаолият билан шуғулланиб келган. Терговда уларнинг қўлаб босқинчилик ва автомашиналарини хайдаб қочиб жиноятларини содир этганиликлари фаш этилди. Ушбу уюшган гуруҳ аъзолари қолбаки ҳужжатлар билан республикамиз фуқароларидан ташқари, Россия, Тожикистон ва Қозғистон республика-

ликарининг қўлаб фуқароларига ўғирланган автомашиналарини сотганлар. Топилган ҳаром пуллар вазоига неча йиллаб айширатда яшашган. Яхшиямки, улар қўлга тушди. Акс ҳолда бу жиний гуруҳ яна қанчалоб кишиларнинг умрига зомин бўларди. Ана шундай уюшган жиний гуруҳдан яна бирига Х.Норматов деган шахс «қарамолик» қўлган. У жиний гуруҳ билан 58 та автомашинани хайдаб қочган. Уюшган гуруҳ ўғирланган автомашиналарни қалбаки ҳужжатлар билан айрим фуқароларга сотганлиги тергов жараёнида аниқланди.

Албатта, бундай уюшган жиний гуруҳнинг фаолиятини фаш қилиш осон кечмади. Бу ишларнинг тоғида қанчалоб оғир меҳнат, уйқусиз тунар ётганини қўлчиллик ҳис қилишмайди. Энг ачинарлиси, айрим шахслар бундай уюшган жиний гуруҳларнинг қилмишларидан ҳабардор бўлсалар ҳам, ички ишлар бўлишарида, прокуратурага ҳабар беришмайди. Қачонки, ўзининг автомашинасини ўғирлангандан сўнггина кўзлари очилди.

1996 йилнинг 15 ноябрь куни тахминан соат 21 ларда фуқаролар Р.Амиров ва Д. Кабировлар жиний тип бириктириб, «ВА3-2106» русумли давлат белгиси 10В 82-73 бўлган автомашинасини хайдаб қочибга уринган. Аммо «операцсия» муваффақиятли ақуланмаган, автоўғирлар иккинчи ишга қўл уришди. Давлат белгиси 06-74 ТНС бўлган автомашинасини хайдаб қочибга бўлишди, бироқ унинг юрчида олишмайди. Шундан сўнг кўз астига олинган бошқа автомашинасини миниб қочибшодди. Бирок, улар бошқарувида бўлган давлат белгиси С 88-96 ТШ автомашина «казматларга» бўйсунмай, йўл четига чиқиб кетди. Милция ва прокуратура ходимларининг ўз вақтида қилган сая-ҳаракатлари тўғрисида икки жиний ҳам қўлга олинди.

Фуқаро С.Сарқисовага тегишли «ВА3-2106» маркали давлат белгиси Х 75-28 ТН бўлган автомашина ҳамда фуқаро Ш.Пакнинг

Вожаб!

Кейинги пайтда нимагодир фибрибгар ва товламачи одамлар кўпайиб қолишди. Диёнатли инсонлар Оллоҳдан қўрқад, ўзларининг ҳақини ёйишни гуноҳ деб биледи. А.Абдураҳмонов эса дунёда ҳеч нарсадан қўрқмас экан. На яратган Оллоҳдан, на гуноҳдан. Агар шундай бўлмаганда бировларнинг пулини еб, таралла бедод қилиб юримаган бўларди. Яна қимми денг, ички ишлар бўлимида ишлайдиган милиция ходимларини аллади.

У ўзича ўйлади: «Шу милиция ходимларининг бир «хўлати» (албаб демокчи) соққасини олсам қандай бўлади?»

Олғир йигит аввал С.Раҳимов тумани ҳудудида жойлашган «Совдогарбанк»нинг Тошкент вилоят бўлими биносиде ўз постида турган Норжигитовнинг қўйнига қўл солди.

— Братан, сизга нима керак бўлса айтинг. Оғайнилар «навола», ҳамма нарса «естъ» қиламиз. Фақат соққаси бўлса бас, — деди.

Орадан бир кун ўтча, А.Абдураҳмонов яна милиция ходими Норжигитовнинг ёнига келиб: «Братан, бизга хизмат йўқми?», деб қўйди.

Норжигитов охири ёрилди:

— Ука, битта яхши музлатич керак, — деди-ю, унинг қўлига 2500 сўм пулни тутқазди.

Пулни чўнтағига урган А.Абдураҳмонов мижозига юзланди.

— Сизга импортнийсидан «естъ» қиламиз. Норжигитов олғир йигитнинг гап-гапига лоққа ишонди.

2500 сўм пул А.Абдураҳмоновнинг машошга учун ўч-тўрт кунга зўра етди. Операцсиясининг муваффақиятли туғанидан кўнгли тоғдай кўтарилди, ўзича ўйлади: «Одамларнинг «қулони» лағмон осиб ҳамма пул тўпса бўлар экан-ку». У навбатдаги ишни амалга оширишга киришди.

П.Сан исмли милиция ходимининг олдига келиб: «Оғайни, 6000 сўм бериб тур. 3-4 кунда қайтармаган», — деди. П.Сан ҳам «Йигитнинг сўзи ўлғуна, шойтоннинг бўйни узилсин», — деб А.Абдураҳмонов сўраган пулни ўша заҳотиёқ бериб юборди.

... А.Абдураҳмонов ширақай бўлиб ўтирганча, яна ўйлади: «Йикта милиция ходимини жойида «қўлатдим». Энди катта ишларга ҳам қўл урсам бўлади». Қўл ўтмай банкда ишлайдиган таниши Д.Икромовдан ҳам қайтариб бериш шарти билан 2300 сўм пулни олди-ю, «қувёнинг» расмини чизди.

Музлатичга пул берган милиция ходими Норжигитов ёз ўтган бўлишига қарамой ҳолодильникдан дарак бўлавермаганча, А.Абдураҳмоновни қидириб қолди. Хожатбарорни эса на уйдан, на бошқа жойдан топиб бўларди. Бир кун Норжигитов ҳамқасби П.Санга дардини айтиб қолди. П.Сан ҳам қуйиб юрган қон, дардини дастурхан қилди. Йикки азамат хожатбарор А.Абдураҳмоновнинг уйига бориб, бўлган воқеани унинг ота-онасига айтганида улар «Бизнинг ундай боломиз йўқ. Пулни қимга берган бўлсангиз, ўшандан оласизлар», деб жавоб беришди.

Музлатич дардида юрган Норжигитовнинг ичи музлаб, уйига қайтди. Охири жаҳрланувчилар С.Раҳимов туман прокуратурасига мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Фуқаро А.Абдураҳмоновнинг қилмишлари қисқа вақт ичида фаш қилинди.

С.Раҳимов туман судида фибрибгарнинг иши кўриб чиқилди. Унинг «хизмати» суд томонидан 6 йил озодликдан маҳрум этиш ҳазоси бериш билан «мукофотланди». Фибрибгар фаш этилди. Жаҳрланувчилар эса қонунларни билмайдиган фуқаролар эмас, балки милиция ходимлари эди.

Нима сабабдан улар фибрибгарнинг қармоғига илинишди? Бундай ноҳушлиқлар ҳаммага ўрناк бўлиши лозим. Буғунги бозор иқтисодиёти даврида содда инсонлар қилларинингдир ширин ваздаларига учиб, топган-тутганларини қандайдир фибрибгар ёки товламачининг қўлига бериб қўйишдан саклонишлари лозим.

Фибрибгарлик ҳақида ўйлаганда бехосдан хаёлингиз Криловнинг «Турна ва Ўлук» масали келоди. Фибрибгарлар ҳам тулқидой айёр бўлоди. Текик лўқмани кўрса, олмағунча қўйишмайди. Минг турда тавланади.

Жамият тулкисифат одамлардан қутулмас экан, содда дил фуқаролар жабр чекавероди.

Р.РАҲИМОВ,
Собир Раҳимов тумани прокурори ёрдамчиси.

давлат белгиси «К 94-39 ТН» бўлган автоуловлари номалум шахслар томонидан ўғирланган. Ушбу жиний ишларни таҳлил қилиб қўрилганда, автомашиналар эгаларининг лоқайдикка йўл қўйгани ҳам аниқланган. Улар машиналарни қаровсиз, чироқлари ёнмаган кўчада қолдирганлар. Оқи-батда юқоридоги воқеа содир бўлган.

Айрим автоулов эгалари машиналарнинг эшикларини қўлфламасдан очиб ташлаб кетганлари ўғирларга қўл келмоқда. Шаҳримиздаги бўз кўчаларнинг ёртимиздаги ишломаслиги автоўғирларга қулай имкониятлар яратмоқда. Оқи-батда жиний гуруҳлар қоронку кўчаларда бундай имкониятлардан фойдаланиб, олдиндан режалаштирган ишларини амалга оширмақдалар.

Прокуратурадаги таҳлиллар шунки кўрсатмоқдаки, ушбу жинийларга қўл ураётганларнинг аксарияти ҳеч қарерда ишламайдиган, ўқимайдиган ва муқаддам судланган шахслардир. Айрим шахслар эса бундай жинийларнинг маст ҳолатида содир этиб, ҳатто айрим йўловчиларнинг ҳавтларига ҳам зомин бўлмоқда. Ҳор бир жинийчи ўз қилмиши учун суд олдида жазо-

сини олмақда. Аммо пойтахтимизда автоуловларни хайдаб қочиб ва ўғирлаш жиноятлари оз бўлса-да, содир бўлиб турбди. Жавобгарликка тортилган шахсларнинг янги «виздошлари пайдо бўлиб қоляпти. Жиноятнинг олдини олиш учун пойтахтимизда қандай ишлар қилинмоғи лозим? Бизнингча, автотранспорт воситаларини хайдаб қочган ва ўғирланган шахсларнинг жиний ишларини очик суд мажлисларида қўришига эътиборни қўчайтириш зарур. Одамларга жинийта жозонинг муқаррарлигини тушутириш ва қўрсатиш лозим.

Биринчи навбатда, автоуловлар маҳсус ажратилган жойларга қўйилиши керак. Автотранспорт эгалари қўчаларда, дўкўнлар ёнида транспортларини очик қаровсиз ҳолда қолдирмасликлари шарт. Барча автоуловлар ишдан сўнг кечаси ўзларининг га шўҳрларида соққасини лозим. Ана шундоғина жиноятнинг бу тури кескин қамайишига эришишимиз мумкин. Бунинг учун шаҳар ДАН билан автоулов эгалари биргаликда ҳамкорликда ишламоқлари керак.

М.ЗАЙНИДДИНОВ.

Қинғир ишнинг қийғи

Мардликнинг баҳоси суд мажлисида эмас, мусобақа майдонида баланд экан.

Кўнун ҳақамлари спорт ҳақамларига қарама-қарши ўлароқ «Мен!» деб кўкрағига урган Шўхрат Яхшибоевни гафиллик шохсуласига эмас, қамоқхона эшигига йўлади. У «мардлик» билан ҳимоясига бўлган шериклари ҳам тегишли жазодан қуруқ қолишмади.

Очилини ойтганда, Ш.Яхшибоевнинг довараклигига тан бериш керак. Чунки, қалбаки ҳужжатлар воситасида давлатнинг кўп миқдордаги маблагини тап тартмай ўлаштириш учун баднафсликнинг узигина кифоя қилмади, бунинг учун журъат, жасорат ҳам етарли бўлиши лозим.

Ўттиз ёшли Шўхрат Яхшибоев 1995 йилда Жиззах жамоа хўжаликларида қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатига бош ҳисобчи бўлиб ўтаётгандаёқ келгуси режаларининг тарҳини чизиб, кўнглига жойлаб олган эди. Шунинг учун ўзи илгари ишлаган «Локомотив» кичик қорхонасига тегишли муҳрино, тамғаси басилган 4 дона ишонч қоғозини тоза ҳолда янги иш жойига олиб келди.

Комбинатнинг сир-асорини, раҳбарларнинг аҳоли-руҳиясини ўрганганидан сўнг, комбинат бошлиғи Камол Маҳкамов ва катта уста Қўқорбой Юсуповларнинг қўйнига кўп солиб кўриб, текинроқ, юмшоқроқ «лўқмай ҳаром» бўлса, баҳам кўриша

ТАН ОЛИНМАГАН МАРДЛИК

тайёр эканликларини билди. Ишонч қоғозига 1995 йилнинг 15 ноябрда 188-рақами кўйилди. Бу ҳужжатга кўра таги-туғи йўқ Ф.Салиев деган шахс 60-рақамли юк хати билан комбинатдан ҳар бири 32 сўм 46 тиғинлик 1500 дона керамзит тиғларни олиб кетган бўлиб

чиқди. Аслида эса 18 минг 600 сўмлик маҳсулот четта пуллаб юборилади ва даромад ўртада баҳам кўрилади.

1996 йил 12 апрелда аслида бўлмаган Р.Низомов номига расмийлаштирилган 25 - рақамли ишонч қоғози асосида 11 «а» сонли юк хати орқали 14 тонна ёғ, 18200 сўмлик цемент ҳам «сув» қилиноди.

К.Шербўтаев номи йўқ шахс номига расмийлаштирилган 68-рақамли ишонч қоғози билан умумий нархи 19 минг 630 сўмлик 1510 дона нон, 10544 сўмлик 236 дона керамзит тиғи чиқит қилинган бўлса, ана шу фамилияга расмийлаштирилган 79-рақамли ишонч қоғози орқали умумий баҳоси 62 минг 296 сўмлик нон маҳсулотлари ҳам номаълум шахсларга сотиб юборилган ва муъай даромад ўртада баҳам кўрилган.

Ш.Яхшибоев бу билан чегараланиб қолмай, шерикларини фаолроқ ҳаракат қилишга ундайди ва ўзи ҳам иштирок этади. «Қурувчи» кичик қорхонасига 44 минг 600 сўмлик 1000 дона керамзит тиғи берган ҳолда унинг даъвати билан Қ.Юсулов ҳужжатларини қайта расмийлаштирилади-да, аслида 2500 та тиғини чиқиб қилади. Битта рақамни ўзгартириш ҳисобига 96 минг 537 сўм пул шерикларнинг чўнтағига тушади.

Айниқса, «Жиззахонан» ушшасидан олинган нон маҳсулотларини талон-тарож қилиш домиий одат тусига киритилади. Х.Юсулов 1680 дона -- 21 минг 540 сўмлик нонни кириб қилмасдан ўлаштирган бўлса, Ш.Яхшибоев 1180 дона, яъни 15 минг 340 сўмлик маҳсулотларини кириб қилмасдан сотиб юборади.

Комбинатда ўтказилган тафтишдан сўнг 1996 йилда республиканинг Мустақиллик байрами шарафига 15 кишига 21 минг 126 сўм мукофот пуллари берилганига ҳақида тузилган сохта ведомости, Ҳабиоров номи алландай кимса билан расмийлаштирилган 60 минг сўмлик қалбаки шортнома, Олимзор маҳалласига берилган 1500 дона керамзит тиғи ҳақидаги 96 минг 537 сўмлик сохта ҳужжат, 1996 йилнинг июл, август, сентябр ойларига могор босиб кетганини учун 18 минг 395 сўмлик нонни ҳисобдан чиқариш хусусидаги ёлгон далолатномалар ҳам комбинатда уя қурган кичик жиний гуруҳнинг иштакҳоси тобора қарнай бўлиб борганлигини кўрсатади.

Тергов ва суд жараёнида Ш. Яхшибоев бутун айбни ўз зиммасига олиб, «мен етказилган зарорнинг ҳаммасини ўзим ўлаштирганиман», қорларини тўлаганман, ишонч қоғозларига К.Маҳкамов ва Қ.Юсуловларни алдоб қўл кўйдирганиман, юқоридagi қамомалларни қоллаш учун сохта ҳужжатларини ҳам ўзим ташкил қилганман», дея «мардлик намунасини» кўрсатишга уринди.

Бирок, ўзар ҳужжатлар учала шунинг ҳамкорликда ҳаракат қилганлигини ва хизмат возифаларини суғишмасдан қилган ҳолда, давлатнинг кўп миқдордаги маблагини бир гуруҳ бўлиб, жинсий тил бириктириб ўлаштирилганликларини исботлади.

Суд жараёнида иштирок этган гувоҳлар ҳам бунни тасдиқлади. Оқибатда, Шўхрат Яхшибоев 14 йил, Камол Маҳкамов 12 йил, Қўқорбой Юсулов 9 йилга озодликдан маҳрум этилди. Мил-мулклари тўлиқ давлат фойдасига мусодара қилинадиган бўлди.

Бундан ташқари, Ш.Яхшибоевдан 15 минг 340 сўми ундириб олишга қарор қилинди. Қ.Юсуловнинг 21 минг 540 сўми тўлагонлиги инобатта олинди.

Учала айбдордан етказилган 255 минг 785 сўм зарар давлат фойдасига, солидар тартибда ундириб олинди.

Бахтиёр РИЗАЕВ.

Ҳар кимки ёмон бўлса...

РУҲЛАР ЁВУЗЛИК ИСТАШМАЙДИ

ЁХУД ҚОТИЛИККА ҚУЛ УРГАН ЖОҲИД УФИЛАР

Жаҳл чиқса оқл кетади, деганлари рост экан. Инсон қалбига шайтоннинг қисқа фурсат ҳўқмонлиқ қилиши ҳам қончаллик агир фожиаларга олиб келиши мўмкинлигига қамошиқлар амин бўлишди. Қамоши туман Чамбиш қишлоғида яшовчи Киров Норқулов ва ҳамқишлоғи, боғ қаровули Барот Хуррамовлар ўртасидagi аризмаган тортишув катта жанжалга айланди. Натижадa Хуррамов агир тан жараҳати олиб, ўзига келмасдан қасалхонада вафот этди. Жаҳлига эрк бериб, Баротнинг ўлимига сабабчи бўлган К. Норқулов Қамоши туман суди ҳўқим билан 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Жиноятга яраша жазо олиб, тавбасига таяниб, ўзини су ҳақининг жабрини тортиб чиққан Киров Норқулов озод ҳолат кўнугига қайтганига шўқур қилиб, ҳамма қатори тирқиқлик пайнда тинчгина ишлаб юрганди. Лекин, отасининг бевақт ўлимига сабабчи бўлган қотилиннг мўддатидан икки йил олдин қамоқдан чиқиб,

ҳалқ орасида «кўкрак кериб» юрганлиги марҳумнинг ўғиллари Исматулла ва Раҳимидин Хуррамовларнинг юрагида сақланиб турган кекки алонгалатарди. Бўзби бировларнинг фожиасидан ҳузурланадиган фасиҳ кимсаларнинг орқавротдан гапирган «Отаси учун қасос олманг ўғил ҳам ўғлими, ана, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ Барот бечора ўлиб кетди. Икхита нордек-нордек ўғли бўлса ҳам унинг қотили бемалол юрибди», деган гаплари бу олангани ловуллатиб юборди. Ака-ўка Хуррамовларнинг томиларида қон эмас, исён ҳўди, кўллари қасос ўти билан ёнди. Юз беражақ фожеани бутун доҳастий-ла ҳис қилиб, эрларини бу йўлдан қайтармоқчи бўлган қотилларнинг ҳамма ҳаракатлари беҳуда кетди. Оталарнинг руҳини қорати қилиш ниътида қасос олиш йўлини тўтган бу ўғлонларни йўлдан қайтармоқчи қодир куч топилмади.

қайтаётган Киров Норқулов кўзи қонга тўлган йиғитларни кўрди-ю, ҳаммасига тушунди. Бирок жон ширин экан, у важаҳат билан ўзига ташлаган қониллари чангалидан қочиб қутулишга уриниб кўрди. Ваҳшийлашган ака-ўка бас келолмаслигини билган Эшмурод Норқулов отасини қўққориб қилиш учун маҳаллага югурди. У одамларни бошлаб келганда кеч бўлган эди. Қасоскор ака-ўқалор Киров Норқуловни кетмон билан ваҳшийларча, аёвсиз қочиб ўлдириб кетишган эди. Қип-қизил қонга беланиб ётган мурдан кўрганлар доҳастидан дамларини ичарига ютишди. Ҳўш, бу фожеанинг келиб чиқишига сабаб нима? Муқаддас Қуръони Қаримда ҳам қасос олиш қораланади. Яъни, бандасининг ғуноҳи учун фақат Оллоҳгина жазолашга ҳақли, дейилади. Ваҳоланки, Киров Норқулов қотилиғи учун суд томонидан жазосини олди-ку. Ҳолбуки, бизнинг инсонпарварлик,

Аравалия моточиқда ўғли билан даладан

1998 йил - оила йили



ДУОЛАРИ ИЖОБАТ БУЛГАЙ

1942 йилнинг айни ёз чилласида урушга отланганида Ҳосон ўғли Самандар эндигина 17 баҳорни қоршилаган йиғитча эди. - Ушунда отам билан онам менга нон тишлапти: «Ой бориб, омон қайтинг, Аллоҳнинг ўзи паноҳида асрасин», дея дуо қилиб, кўзларида ёш билан қузатиб қолган эдилар» деб ҳазин товушда ҳўқиса қилади Самандар бобо. - Украина, Белоруссия, Польша, Венгрия шаҳар ва кишлоқларини фашизм вабосидан тозалаш учун ҳавт-мамот жангларида қатнашишмига тўғри келди. Яратган эгам отам билан онамининг дуоларини ижобат қилиб, мени ўз паноҳида асради. Насибом бор экан, қалдрон қилшогим Қиётга эсон-омон қайтиб келдим...

Даровек, шовотлик Самандар бобо урушдан ёлғиз қайтмади. - Унинг ёнида қора кўзлари чўдағи ёниб турган бир вафодор ёр бор эди.

... Россиянинг қалин ўрмонзорлари орасидаги Тулун шаҳри яқинида жойлашган кишлоқда туғилган бу киз йимон-эътиқодли муслмон Аҳмадоҳфиз Хисматуллин оиласида иккинчи фарзанд эди. Мулла Аҳмад ҳофиз қизининг тобиатдан меҳрибонлигини кўриб, «Албатта, дўхтир бўлишинг керак», деб қўярди. Ота насиҳатларини қўлуғига қувиб олган Соҳида дастлаб тиббий ҳамширалар тайёрлаш курсида сўнг Иркутск

тиббиёт билим юртида таҳсил олди. Аммо, уруш уни ҳам фронт ичка-рисида хизмат қилишга мажбур этди. Ҳарбий госпиталларда кечган йилларини эсласа, ҳудди босир-ки тушга ўхшайди. Еш шафқат ҳамшираси ажал билан олишган не-не азамат жангчиларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Узбек йиғити қақшатиқ жангларнинг бирида елкасдан яраланиб, Соҳида ишлаётган ҳарбий госпиталга тушди. Улар илк марта ўша ерда танишдилар. Еш кўнгиллор бир-биридан сув ичиб, пайваста бўлди. Уруш туғати билан тўй қиламас, дея аҳду паймон қилган икки қалбнинг пок ниъатлари йўлдаш бўлди.

Ниҳоят уруш тугагач, Соҳида отаси билан дийдор қўришади. Қизининг ниътидан хабар топган Аҳмад ҳофиз обий «Қину йимонингдан кечма, муслмонлигининг ниутма Борган жойингда бахт топтин қизим», дея дуо қилиб, оқ фотиҳа беради.

Уруш жабуру-жафосини бирига тортган Самандар бобо ва Соҳида мома Идалиқалға кишлоғида тул қўлиб, палас эдилар, эл орасида ҳалол меҳнат билан обрў-иззат тоғдилар. Соҳида Ҳасанованинг қасби-қори кишлоқда жуदा-жуда асқотди. У халқ саломатлигини сақлаш, ҳавфли юқумли касалликларни бартараф этишда бутун билими ва куч-ғайратини аямди. Аллоҳ тоборруқ оилага 15 фар-

занд ата этди, етти-сини қайтариб олди. Уруш оловида ирадаси тобланган эр-хотин руҳан тошмадилар. 8 нафар фарзандни оқ-ювиб, оқ торадилар, ўларга бутун меҳр қўрини бердилар. Маҳаллақ-қўй, қўни-қўшинлар бу оила соҳиби ва соҳибаси, фарзандлари номларини ҳўрмат билан тилга оладилар.

Булар - қўша қариган отахон ва онахон умр дафтари-нинг бир саҳифаси, холос. Улар билан суҳбатда оила мустаҳкам ва тотув бўлиши учун нима-ларга амал қилиш лозимлиги хусусидаги панду ўғитларга ҳам қўлоқ солдик.

Самандар бобо дейдилар: - Жуфти ҳалонингизни ҳўрмат қилинг, десам бу оддий насиҳат деб ўйламанг. Агар эр-хотин ўрта-сида ҳўрмат ўйқолса, оқибатта дарз етади. Оқибатсизлик ҳуда-беҳуда жанжаллар, машамашларнинг сабабчисиدير. Жанжалларнинг охири эса оиланинг барбод бўлиши билан тугайди. Жуфти ҳалонингизни аввало она сифатида қаронг. Бу дунёда онадан буюроқ зот йўқ.

Соҳида мома дейдилар: - Она бўлганим учун кўпроқ қизларим, келинларимга насиҳат қиламан. Муслмончилиқда уйда эр устун туроди. Умр йўлдошингиз қўзига ҳеч қачон тик қароманг. Тил қурғур, сўвқис бўлади, уни тишла-рингиз орасида маҳкам тутинг. Садокатли, меҳрибон аёлларни эрлари яхши қўрадилар. Шундай бўлишга интилган келин албатта рўшнолик кўради. Эр-хотин бир-бирларига ишониб, сўяниб яшасалар, ҳар қандай қийинчиликларни ениб ўтадилар.

Ҳайрлашув чоғимизда Самандар бобо дуога қўй оқдилар.

- Илоҳ, мустақил юртимиз дунё турғунча турсин. Яратганиннг ўзи элимиз ризқи-насибасини зиёд қилсин, тинчлигини бениҳоя бўлсин. Оилалар дастурхонига кут-бароқа ата этсин, бахту омонлик сизларга ҳам ҳамроҳ бўлсин!

Бобо ва момоларнинг дуолари юртимизни, элимизни не-не болалардан асраган. Уларнинг дуоси ҳаммиша ижобат бўлсин!

Н.БАХТИЁРОВ.

Ҳикмат - бир ҳовуч олтин

Ҳар бир инсон уч нарсага уч кўз билан назар солиши лозим: одамларча тақабурлик кўзи билан эмас, қамтарлик кўзи билан, ҳалолдан бойиған кишиларга ҳасад кўзи билан эмас, ибрат кўзи билан, хотин-қизларга шаҳват кўзи билан эмас, шафқат кўзи билан.

Нодон одам олим кишининг қадрини билмас, бунинг ажабланарли жойи йўқ.

Фойда бермайдиган ишни қилма, хотинининг чироғи билан керилма, пулинг кўп бўлса-да, унга ишонма.

Бир нарса борки, амалга оширмаса фойда бўлмайдик: айтимган сўз бажарилмаса ундан наф йўқ, тирикчилик учун фойдаланилмаса, туғилган бойикдан фойда йўқ, ўртада тенглик ва холсизлик бўлмаса қилинган суҳбатда фойда йўқ, соғлиқ ва саломатлик бўлмаса ҳаётдан фойда йўқ.

адолатпарварлик руҳи билан йўғрилган қонунчилигини жаҳолатга йўл қўймайди.

Қасоскор ўғлонларнинг ҳақопатидан келиб чиққан бу фожианинг олдини олиш уларнинг атрафидаги қўни-қўшни ва маҳалла-қўйнинг бурчи эмасидир? Фожианинг олдини олиш ўрнига ака-ўқаларни жиноятга ундаган кимсалар виждон азоби борлигини билармиканлар?

Отасининг қотилини «тинчитиб» қўнгиллари жойига тушган қасоскор ака-ўқалор содир этган қотилиқларни учун Ўзбекистон Республикасини ЖКнинг тегишли моддаларига қўра узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ҳўш, энди холисона бир мулоҳаза юринадиган бўлсақ, ака-ўка Хуррамовлар ўйлаганидек, оталарининг руҳи уллардан рози бўлдикими? Наҳотки, иккала ўғлининг оилаларини чирқиллатиб ташлаб, узоқ муддатга қамалиб кетишидан ота руҳи бодлар бевозат бўлмаса?! Эро, руҳлар ҳеч қачон ёвузлик истамайди, дейишоди.

Раҳимжон ОЙМАМАТОВ, Қамоши туман прокурори. М. БОЛЛИЕВА, «Хукук» муҳбири.

Қонун барчага баробар

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатнинг фуқаролари сифатида ана шу йўлни босиб ўтган чет эл давлатларининг тажрибаси, эришган муваффақият омиллари билан кўп бор танишганмиз. Уларнинг танлаган йўлини, муъжиза яратган модулларини ўрганганмиз. Қалбимизда ҳавас уйғонган. Лекин, бизни ҳаммасидан ҳайратга солган япон халқининг тараққиёт йўли бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши нихоёсига етганда Япония иқтисодиёти деярли издан чиққан эди. Олдинда фақат битта - фалаж бўлиб қолган мамлакатни оёққа тургазиш йўли бор эди. Бутун япон халқи ҳеч иккиланмасдан ана шу йўл бошида бирлашди. Оқдиди кунларда иш соатларини узайтирган ҳолда, дам олиш кунларида эса иш ҳақисиз меҳнат қилиш бутун мамлакатда оммавийлашиб кетди. Заҳматли меҳнатлар натижасида Япония тараққиёт пиллапояларидан шитоб билан кўтарилга бошлади ва кўп ўтмай жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан жой олди. Муболағасиз айтиш мумкинки, бу борада нимага эришилган бўлса, барчаси япон халқининг фидойилиги, ватанларига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати билан ҳамбарчас боғлиқ.

Албатта, халқимизнинг фидойилиги, она-заминга бўлган меҳр-муҳаббатлари японларникидан кўп бўлса кўпки, асло кам эмас. Бунга ўтмишимизга қайтиб, хоҳлаганча мисоллар келтириш мумкин. Лекин, тарих қатига сингиб кетмасдан, 1941-1945 йилларда фашизмга қарши курашдаги юртдошларимизнинг фронт ва фронт ортидаги жасоратларини эслашнинг ўзи кифоя.

Ватан ва халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўювчи, мамлакатимиз истиқболи учун қайғурувчи юртдошларимиз бугунги кунда ҳам республикамизнинг иқтисодий қудратини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ана шундай заҳматқаш инсонларнинг фидойиликлари туфайли мустақиллигимиз киска вақт ичида мустаҳкамланди, Ўзбекистон суверен давлат сифатида жаҳонга танилди.

Афсуски, ислохотлар йўлига тўғанок бўлаётган, давлат ва халқ манфаатларига жиддий зиён етказаятганлар ҳам орамизда оз бўлсада учраб турибди. Қилмишлари ошқор бўлишдан чўчимай, ҳаром лўқма ортидан қувалатган бундай шахсларнинг кирдикорлари ўз вақтида фош этилиб, тегишли жазога тортилмоқдалар. Қуйидаги мақолада «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссadorлик компанияси тизимида юз берган ўғирликлар, талон-тарожликларга бош бўлган нопок кимсаларнинг қинғир ишлари баён этилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссadorлик компанияси мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Компаниянинг беҳимнат хизмати туфайли ҳар куни минглаб йўловчиларнинг узоғи яқин бўлмоқда, тонналаб халқ ҳўжбалиги юклари тегишли манзилларга етказилаётир. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, қўлайликлар яратиш ўстида изланаётган компания тизимида юкларни ташиш ва сифатли сақлашни ташинлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Айниқса, юкларни ўғирлаш, талон-тарож қилиш ҳолларининг олдини олиш мақсодида бирмунча тадбирлар амалга оширилди.

Компаниядан олинган маълумотларга кўра, ана шундай ходисалар 1995 йилда 120 тани, 1996 йилда 39 тани ҳамда ўтган йилнинг 9 оғи давомида 36 тани таш-қил этган. Натижада давлат манфаатига 1995 йилда 3690836 сўм, 1996 йилда 2965280 сўм ва ўтган йилнинг юбояида кўрсатилган даври мобайнида 1708866 сўм миқдориди зарар етказилган. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссadorлик компаниясининг бундай ташвишли ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлари ўз натижасини берган. Ўғирлик, талон-тарож, қамомад қилиш жиноятлари йилдан-йилга қамойган. Аммо, биз масаланинг бошқа томони тўхталмоқчимиз. Содирилган ўғирликларнинг деярли барчасида иштирок этган, ҳаром лўқмалардан манфаатдор бўлган қўли эгри темир йўл ходимларичи? Уларнинг сони қамойдими ёки аксинчамиди?

Афсуски, бу саволга қайсар рақамлардан ўтиб, ижобий жавоб беролмаймиз. Агарда 1996 йилда халқ мулкини «туя» қилишга уринган 183 нафар шахс қўлга олинган бўлса, улардан 99 таси, 1997 йилнинг 9 оғи мобайнида ушланган 220 нафар қонунбузардан эса 81 таси темир йўл ходимлари бўлиб чиққан. Демак, компания раҳбариятининг ходимлар малакасини ошириш, кадрлар сифатини яхшилаш борасида олиб бораётган



ишлари самара бермоқда, дейишга ожизмиз.

Бир-бирига туташган темир йўллар орқали ҳар куни ҳар хил юклар ортлган саноксиз вагонлар ўтади. Минглаб кўзлар қайларгадир шошилаётган поездлар ортидан термулиб қолади. Улардан ўз «улуши»ни юлиб қолишга ўрганган кимсаларнинг эса вагонлар тўхтади, дегунча пайтаваларига кўрт тўшади.

Компания тизимида рўй берган баъзи ақлбавар қилмас ишлардан киши ҳайратга тўшади. Наҳотки, ҳамма гафлатда қолди, экан, дея ажобланади. Шу ўринда ана рақомларга мувожаат этишга тўғри келади. Ҳужжатларни олмаштириш йўли билан пахта талоларини ўғирлаш, талон-тарож қилиш ҳоллари 1995-1996 йиллар ва 1997 йилнинг 9 оғи ичида 197 марта содир этилиб, 159 та вагоними-жимиди республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетилган. Бунинг оқибатида етказилган моддий зарар миқдори 12160000 АҚШ долларини ташқил этган. 3200000 АҚШ долларига тенг пахта толаси ортилган 40 та вагон эса ўғирлаш вақтида ушланган. Ачинарли томони шундаки, ушбу жиноятларга асосан темир йўл

хизматида дохлдор шахслар ташқилотчилик қилганлар.

Масалан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссadorлик компаниясининг Ташкент темир йўл бўлимига қарашли Бахт станцияси бошлиғи Илҳом Муҳаммедов, Оқ олтин станциясининг новбатчиси Баҳриддин Қўлатов, Пахтакор туманидаги «Пахтакор» дўкони сотувчиси Шўҳрат Сатторов ва Ховос бекати ички ишлар бўлимининг тезкор-қидирув ходими Алишер Нуриддиновлар ўзара жиноий тил бириктириб, ҳужжатларни сохташатириш ва алмаштириш йўли билан пахта толаси ортилган 12 та вагонни ўғирлайдилар. Шу ўринда уларнинг қилмишларидан бирига тўхталишни жоиз топдик.

1994 йилнинг декабрь ойида «Ўзгоримпекс» ва Швейцариянинг «Штахель-Хардмейер» фирмалари ўртасида шартнома тузилади. «Штахель-Хардмейер» фирмаси харид қилинаётган 50 тонна толанинг ҳар бир тоннаси 1760 АҚШ долларидан ҳақ тўлайдиган бўлади. «Ўзпахтасаноатсотиш» ҳиссadorлик бирлашмаси мазкур шартномага биноан 1995 йил 5 октябрда буйруқ чиқариди ва пахта толасини вагонга юклаб жўнатишни Сирдарё вилоятининг Бахт пахта то-

залаш корхонасига топширади. 16 октябр кўни заводда «Штахель-Хардмейер» фирмасига жўнатиш учун 50 тонна пахта толаси вагонга юкланади. Худди шу кўни И.Муҳаммедов Бахт станциясининг юкларни қабул қилиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўлими ходими Н.Сорокинага пахта тозалаш заводига бориб расмийлаштириладиган темир йўл ҳужжатларига станция коди қайд этилишига йўл қўйманг, деб буюради. Н.Сорокина ваъда қилинган муқофот эвзига бошлиғининг топширигини аъло даражада божаоради. Шундан сўнг вагон Швейцария жўнатиш учун Оқ олтин станциясига келтирилади.

Қайниси И.Муҳаммедовга ҳужжатларни қалбақлаштириш орқали вагонларни ўғирлаш ва жароқ-жарақ пулга эга бўлиш йўлини ўргатган А.Нуриддинов вагон станцияга келтирилиши билан юкларни ташиш ва йўловчиларга

дан чиқарилиб, Гулистон пахта тозалаш заводига қайтарилди.

Мазкур жиноятни амалга оширишда ташқилотчи бўлган А.Нуриддинов жиний гуруҳига Б. Қулманов, Р.Аминжонов, И. Сатторов, Р.Қўшқов ва З. Салмонов ҳамда терговда шахси аниқланмаган 3 нафар шахсини қўшиб, ҳужжатларни қалбақлаштириш орқали пахта толаси ортилган кўллаб вагонларни бошқа манзилларга - ҳамтовокларига юборишган. Жумладан, Б.Қулманов тола ортилган 7 вагонни, Р.Аминжонов, И.Сатторов, Р.Қўшқоров ва З.Салмоновлар эса 5 тадан вагонларнинг ҳўжжатларини қалбақлаштирганлар. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида барча вагонлар республикамизга қайтарилган бўлса-да, жиний ҳаракатлар натижасида давлатга 419073,41 АҚШ доллари миқдориди зарар етказилган.

Хизмат вақолатидан фойдаланиш, мансабни суиистеъмол қилиш туфайли жиноятлар содир этиш ҳоллари ҳам компания тизимида қайд этилмоқда. Масъул лавозимдаги кўзбўямачилар қўл остидаги ходимларига турли хил хийла-найранларни ўргатиб, жиний гуруҳ сифатида фаолият кўрсатганликлари айниқса, ташвишлидир. Жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссadorлик компаниясининг йўлларни ҳисоблаш маркази бошлиғи Г.Комаров, унинг ўринбосари Исмоилов, юклар ва тижорат хизмати бошлиғи А.Қодиров, тафтишчи Б.Сквирский ҳамда ҳеч қаерда ишламайдиган В.Ипоканов ўшган жиний гуруҳ тузодилар. Улар давлат мулкини талон-тарож қилиш ҳуқусида тил бириктириб, компания раҳбариятига билдирмаган ҳолда 1995-1996 йилларда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманларо базаси билан шартнома тузиб, 656 миң сўмлик векселларни база ходимларига бериб юборишиб, компания манфаатига катта миқдорда зарар етказдилар. Ҳазирда ушбу жиноят юзасидан Г.Комаров ва унинг 8 нафар ҳамтовогига нисбатан қўзғато-тилган жиний иш Тошкент шаҳар судида кўрилмоқда.

Омонатга хиёнат қилиш, бировнинг ҳақиқа кўз олайтириш катта гуноҳлардан ҳисобланади. Бунни кимдир билар, кимдир билмас, десак янглишган бўламиз. Негаки, бизни болалигимиздан юқоридаги каби гуноҳларга асло қўл урмасликка қақриб келишган. Афсуски, бундай панд-насихатлар ҳаёлидан «кўтарилиб» кетганлар олий маълумотли, юқори лавозимларни эгаллаб турган шахслар ичида ҳам учраб тураркан. Юқориди номлари зикр этилган кимсаларнинг хийла-найранлари билан танишиб, бунга ана бир бор ишонч ҳосил қилиб, ҳаром лўқма қачон бўлса-да тешиб чиқишига амин бўлдингиз.

Бугун қилмишларидан минг бор пушоймон бўлиб, жозога тортилганлар қисмати бунинг аччиқ ҳақиқатидаир.

Санджарим БУРҲОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси бўлим прокурори,
Ш.АЛИМОВ,
Ўзбекистон транспорт
прокуратураси бўлим бошлиғи,
Дилшод ИСЛОМОВ,
«Жукук» мухбири.



Қизлар кўнгли қишда ҳам баҳор.

Р. Шарипов сурди

Бир чимдим кулгу

МАШИНАНИНГ ЭРКАГИ

Бир куни чукча ўғли билан тайгада овга чиқибди. Олмахонни кўриб қолишди: пақ-пақ! «Буниси тери учун». Бугуни кўриб қолишди: пақ-пақ! «Буниси гушт учун». Геологни кўриб қолишди: пақ-пақ! «Буниси гурут учун...»

Чукча машина сотиб олиб, уни оғилхонасига киритиб қўйди. Бунақа матоҳни умрида кўрмаган бошқа чукчалар машинанинг у ёқ-бугуни томоша қилиб сўрашди: - Буниси нима? - Гилдирак. - Буниси-чи? - Мотор. Бир чукча тунун чиқаргични кўрсатиб сўради: - Бу нима? - Шнақа... Менга эркаги тушиб қолди.


Чукча бир куни метрога тушибди. Эскалатор тугкичидан ушлаб юқорига кўтарилди. - Мабодо, Пушқин проспекти шу томондами? - сўрабди у ёнидаги йўловчидан.

- Йўқ, нариги томонда. - Раҳмат, - дебди чукча ва орқасига қайрилиб, эскалаторнинг бошқа томонидаги тугкичидан ушлабди.

Икки одессалик мева тўла каттакон қўти билан гавжум поезд вагонига чиқишди ва вагон кузатувчисига баланд овозда: «Агар қутигадаги захарли илон чиқиб кетса, бизни уйғотинг», деб тайинлашди. Кўп ўтмай купе бўшаб қолибди ва дўстлар маза қилиб жойлашиб олишди. Кечаси ниманингдир тарақ-туруғидан уйғониб кетган икки ўрток қарашса, смена кузатувчиси кўл чирого ва узун калтак билан пастки ётиш жойини титқилаётган экан. - Нима бўлди, ўрток бошлик? Қайси станция бу? - Вагонимизга қандайдир эсиластлар захарли илон олиб чиқишди. Йўловчилар бошқа вагонларда жўнаворишди. Бу вагонни поезддан ажратиб, ташлаб қолтишди.

Топқирлик машқи

Азиз муштарийлар! Куйидаги таърифланган сўзларни топиб, шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида ёзиш билан машқни ҳал этинг.



1. Қонун-қонидани бузганлик учун товон тўловчи киши. 2. Мамлакатимизда қарор топаётган миллий, азалий урф-одатларимиз мажмуи. 3. Шарқда «хисоб» таҳаллуסי билан шўҳрат тапган Марказий Осиёлик ўрта аср қомусий олими. 4. Мусулмон мамлакатларида ҳукм сурган давлат тизими. 5. Оммавий ахборот воситалари вокиллари билан бўлиб ўтадиган йиғилиш. 6. Номанган вилоятдаги кичик шаҳар. 7. Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи лавозими. 8. Ҳориж мамлакатидан моҳсул келтириш ёки ҳорижга мол чиқориш учун давлат органлари томонидан бериладиган рухсатнома. 9. Буюк ўзбек мунажжими ва давлат арбоби. 10. Бирор халқроқ жамият вокилларининг ялли анжумани. 11. Маълум масала юзасидан ўзаро келишилганлик ҳақидаги ёзма ҳужжат. 12. Бухоро амирлиги давлатининг сўнги ҳукмдори. 13. Иш юртиш борасида узоқ мулоҳазасиз қилинган ҳаракат. 14. Мамлакатнинг пул бирлиги. 15. Иختирочининг ўз ихтиросига олган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. 16. Таникли қирғиз адиби. 17. Абдурауф Фитратнинг соҳна асари. 18. Англияда катта ҳўжалиқнинг бошқарувчиси. 19. Қорхона, муассаса, идораларнинг ёки хусусий шахсларнинг топшириғини бажарувчи ташкилот. 20. Аҳолининг маълум бир гурҳи. 21. Махсулотно олишув хусусидаги келишув. 22. Мустақил аҳамият

ва мазмунга эга бўлган, бошқа нарса билан салбий болганмаган нарса, ҳодиса. 23. Африка жанубидаги қироллик давлати. 24. Ўрта асрларда Форбий Оврупада йирик феодалга тобе бўлган кичикроқ феодал.

Тузувчи Фозиждон ОРИПОВ.

Газетанинг 1998 йил 1-сонига эълон қилинган топқирлик машқининг жавоблари:

- 1. Оқяма. 2. Теннис. 3. Чоргоҳ. 4. Кабиса. 5. Ямайка. 6. Мадина. 7. Чаплин. 8. Қоҳира. 9. Мўйнок. 10. Заргар. 11. Ганиев. 12. Лабзак. 13. Қорқиз. 14. Август. 15. Чистон. 16. Биллур. 17. Фирюза. 18. Турғай. 19. Шарбат. 20. Оқбура. 21. «Лолдик». 22. «Нексия». 23. Нодира. 24. «Омонёр». Айналалар бўйича: Янги йилингиз кўтлуг бўлсин!

Кўчанинг гапи

Бозордан бир халта тухум харид қилиб чиқоётган давонгирдай йигит таниш ошнасига дуч келди. - Вой-бў, бунча тухумни нима қилсан, ё... дўхтир буюрдими? - ҳазиллашти ошнани. - Дўхтирминан нима ишим бор. Ҳар куни эрталаб ишга боришдан овал иккитадан тухумни хомлиғича ютиб оламан.

- Қарда ишла-япсан ўзи? - Қўйлик бозори бекатида. - Нима иш қила-япсан? - Бақираман. - Нима?! - Бақираман, «Иппадру-ўм» деб. - Ҳа, тушундим. Бу шопирлар яхши тўлашадими ўзи? - Қанча кўп, каттик бақирсам, шунча кўп тўлашади. - Автобусга одам тўплаш учун шунақа бақиршларнинг шартмикин?...

- Ошна бозор нималигини ҳолиям тушинмасан-да. Бозор бу «канкуренция» биздани. Тўғрими? Ҳозир бегаям рақобатчилар пайдо бўлган, Собир Рахимов бекатидагилорга ўхшаб. Биз бақирокликда уларни синдиришимиз керак. Бугуни сўрасанг, тирикчилик ҳам бақирш билан ўтиб турибди-да. - Овозингга тўзим берсин, ишқилиб...

Шов-шув

ҲАМИША ЁШ БЎЛИБ ҚОЛА ОЛАМИЗМИ?

Америкалик биологларнинг инсон танаси ҳужайрасига абадийлик бош этганлиқлари ҳақидаги хабор дунё бўйлаб шунчалик тез тарқалдики, шов-шувга ўч баъзи хориж оммавий ахборот воситалари бу кашфиётни «ўлмас инсонни артиш сари катта қадам қўйилди, деб баҳоламоқдалар. Тухасда рўй берган улкан воқеани «Вашингтон таймс» газетаси биолог кашфиёти туфайли «ёшлик таълоқлари отилди», деб шоирона таърифлади. Бирок кашфиёт муаллифлари, жумладан, Техас университети профессори Вуджик Райт бу ишни эҳтиёткорлик билан баҳолади. У муҳбирларнинг: «Сизнинг кашфиётингиз барча инсонларнинг умрини боқий қила оладими?» деган саволига жавобан: «Йўқ, бундай қилолмайди. Лекин, у чексиз

имкониятларни очиб беради. Бу кашфиёт микознинг ҳужайрасини ажратиб олиш, ёшортириш, сўнгра бир қатор ирсий ва бошқа касалликларни доволаш учун ўз танага қайта киритишнинг реал истиқболлини белгилаб беради», деди. Лекин тажриба катнашчиларидан бири англиялик Жерри Шей каромат қилишдан ўзини тия олмасда «бу инсон умрини ниҳоясиз узайтириши мумкин», деган фикр-ни билдирди. Ҳужайраларнинг қаршини тўхтатиш мумкинлигини, бунинг учун эса уларни «теломераз» ферментини ишлаб чиқишга мажбур этиш шартлигини олимлар назарий жиҳатдан аллақачон исботлаганлар. Биз, ўтган йилнинг августда Калифорниядаги «Жерон» биотехника-тадқиқот корпорациясининг

илмий ходимлари «теломераз» генини ажратиб олиш усулини тапганликларидан хабардоримиз. Кўп ўтмай бу тахрибгага тасхисли олимлар ҳам бош қўйишди. Улар лаборатория шартотида «теломераз» ферментини инсон танасидан олинган умри тугаётган ҳужайраларга киритиб, амалда синоб кўрдинлар. Бунни қаранглик, ҳужайралар жонланиб, яна узоқ вақтгача бўлиниб турган ва ҳатто энг ҳайратланарлиси - айрим ҳужайралар ҳалигача бўлинишда давом этмоқда. Бунга гувоҳ бўлган профессор Райт эҳтиёткорликни унутмаган ҳолда ўз фикрини шундай ифодалади: «Бу ҳужайралар боқийлик касб этганига жуда-жуда шўбҳамиз бор». Оммавий ахборот воситалари кашфиётга шов-шув тусини Бергалигининг боиси шундаки, олимлар бундай ҳужайраларни мик-

роскопта текшириб, молекулалар тузилишини тадқиқ этганларида, улар биологик-кимёвий жиҳатдан «ёшарган»лигининг гувоҳи бўлишган. Айнан шу хулоса хориж матбуот нашрларида эҳтиросларнинг «портлаши»га сабабчи бўлиб, улар ҳадемай дорихоналарда «кексаликка қарши дорилар» пайдо бўлиши ҳақида ёз бошладилар. Бирок, бундай хулоса чиқаришга ҳали эрта. Теран ақл билан иш кўрувчи кўлаб америкалик олимларнинг таъкидлашича, «барҳодет инсон» ҳақида фақат назм тилида гапириш мумкин. Инсоннинг умрини узайтириш мумкинлиги бу бор гап. Шу маънода америкаликларнинг XXI аср арафасидаги кашфиёти улкан аҳамият касб эттиши оник. Бу шов-шувга билдирилоётган фикр-қарашларнинг қай бири ҳаққонлигини буюк ҳакам - вақт кўрсатади. (Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди).

Шайтонга изн берманг

Қирар оқли кириб, ёши қирқини қоралаб қолган Шамсиддин Эшмуродовни шайтон йўлдан урди. Қирққа кириб, қинғир йўлни танлаган, турт нафар фарзанднинг отаси Шамсиддиннинг ойласи олдида ҳам, қариндошлари олдида ҳам юзи шувут бўлди. Узидан ўн ёш кичик Сатторго қўшилиб ўғирлик қилиб ўтирибди... Тузуккина яшаб турганди-ку. Нима етмоётган эди унга. Аспида-ку, Сатторни ҳам тўғри йўлдан оздирган ўзи. Кечагача қоровуллик қилиб келган оғборни тунаш ҳақидаги фикр ҳам узидан қикди. Бўлмас Саттор қаердан билорди, у ерда нима борлигини. Сўдин қора қўрсисига ўтирган Шамсиддиннинг ҳаёлини ана шундай фикрлар тузоғи банд этган эди. Наҳора, қанча пушаймон бўлмасин вақт ўтган эди. Ҳар қандай номақул иш бекорчилиқдан келиб қикди. Шамсиддин ҳам, қўшини Саттор ҳам ҳеч қаерда ишламайди. 1997 йилнинг 2 март куни икки қўшни илгори ўзлари қоровул бўлиб ишлаган, Навоий вилоят «Турон» ҳиссадорлик жамия-

ҚИРҚ ЁШЛИ ЎҒРИНИНГ ПУШАЙМОНИ

тига қарошли оғборхонага ўғирликка киришга келишиб олдилор. Навоий туманидаги Абу Али Ибн Сино ноҳия жамоа ҳўжалиғида жойлашган бу оғборхонага улар етиб келишганида соат 23 дан ошган, қоровул қўрсисиди эди. Ҳаммаёқ сув селгандек жимжит. Дарвоза берк. Саттор велосипеди суқмасидан қяроларни келтирди. Икковлашиб дарвоза болтларини чикилиди. Кейин беомалол кириб чиқилдоган туянуқ хосия қилишди. Саттор бўш қопларни олиб ичкарига кириб кетди. Шамсиддин пойлочилик қилиб турди. У ичкаридаги қутилардан ҳар бирининг баҳоси 9034 сўм бўлган ўн донга трактор ёқилиш насосини, баҳоси 3465 сўм 24 тийин бўлган трактор мол насосини, жами бўлиб 114 минг 872 сўм 24 тийинлик эҳтиёт қисмларни ўғирлаб, воқеа жойидан гойиб бўлишди.

Оғбор мудир Нарзулла Номозов эрталаб келиб оғборни кўздан кечирганида қутилардаги ёқилиш насосларининг қамалиб қолганлигини сездди. «Турон» ҳиссадорлик жамияти раиси С.Сунатовга хабор берилди. Қомиссия тузилиб, улар иштрокида оғборда текшириш ўтказилди. Ўғирлик микдори оникланиб, туман ички ишлар бўлимига маълум қилинди. Осейшталик посбонларнинг зудлик билан қўрган чора-тадбирлари натижасида ўғирлар аникланиб, қўлга олинди. Суд уларнинг ҳар бирини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганлиқда айбоб, саккиз йилдан озадликдан маҳрум этди.

Вақт шиддаткор. Улар жазо муддатини ўтаб қайтишди. Шамсиддиннинг турт нафар фарзанди бу вақтда буй ёти қолади. Сатторнинг фарзанди ҳам ақлини таниб олади. Улар ўшанда фарзандларнинг қўзига қайси юз билан қарашаркин? Ҳа, улар қўл урётган ишларининг оқибати нима билан туғанини ўйлаб, чуқурак мулоҳаза юритиб, шайтонга ҳай берганларида бу жиноятни содир этишмаган бўларди. Илҳом КУЧҚОРОВ, Навоий туман прокуратораси терговчиси, Ислам ХУДОЙКУЛОВ, журналист. ТУЗАТИШ Газетанинг шу йил 3-сонининг 1-бетига берилган «Муқофотлар муборак бўлисин» материалдаги «-- Улжаева Юлдаз Насриддинова, Бухоро вилоят Қоровулбозор тумани прокуратори» сўзларидан олдин «Шўҳрат медали билан» жумласи қўшиб ўқисин.

РАҚОБАТ